



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 28 январь, № 19 (6454) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



«Ўзбекистон ҳаво йўллари»:

ЮКСАЛИШ ПАРВОЗИ

Жорий йилда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси дунёдаги камдан-кам давлатлар авиаташувчилари қаторида биринчилардан бўлиб энг замонавий иккита “Boeing 787 Dreamliner” самолёти билан таъминланади. Президентимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табригида алоҳида қайд этилганидек, бу мамлакатимиз фуқаро авиацияси ривожини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.



ИФТИХОР

Албатта, бундай муваффақиятларга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ соҳа раванга қаратилган алоҳида эътибор, хусусан, мамлакатимиз ҳудудида ҳаво транспортини бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 1992 йил 28 январдаги Фармонида биноан миллий авиакомпаниямизнинг ташкил этилгани кўлами ва аҳамияти жиҳатидан ана шундай улкан ишлар учун тамал тоши бўлди. Маълумки, транспорт-коммуникация тизими республикамиз иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми, унинг қудратини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу боис соҳани босқичма-босқич такомиллаштириш, уни жаҳон талаблари даражасига олиб чиқиш бўйича кенг миқёсда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тарихан қисқа даврда автомобиль ҳамда темир йўллар қаторида, фуқаро авиациясини изчил тараққий эттириш, парвозлар хавфсизлигини таъминлаш,

инфратузилмани ривожлантириш, ҳаво ҳаракатини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ этиш, малакали кадрлар тайёрлаш каби йўналишларда улкан натижаларга эришилди. Бинобарин, Президентимиз таъкидлаганидек, “Биз жаҳон бозорига чиқишда авиация улкан имкониятларга эга эканини инобатга олиб, ўтиш даврининг муқаррар қийинчиликларига қарамай, ушбу соҳа ривожига устувор аҳамият бердик. Самолётлар паркинни замонавий талаблар асосида янгилаш билан бирга, аэропортларни тубдан қайта қуриш ва ҳаво ҳаракатини бошқариш тизимини ислоҳ этиш ишлари амалга оширилди. Нисбатан қисқа муддат ичида ҳаво транспортига хизмат кўрсатиш ҳамда энг замонавий самолётларни бошқарадиган юксак малакали учувчи ва техник кадрлар тайёрлаш борасида халқаро андозалар ва илғор технологияларга асосланган мустаҳкам база яратилди”.

(Давоми 4-бетда).

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар



Тежамкор қурилмалар афзаллиги

Қорақалпоғистон Республикаси

“Тахياتош иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамиятида 230-280 МВт қувватли иккита буғ-газ ускунасини қуриш ишлари давом эттирилмоқда. Ушбу лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши Оролбўйи минтақаси ва Хоразм вилояти аҳолисини турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади, — дейди АЖ раиси Бахт Мадреймов. — Чунончи, буғ-газ қурилмалари туфайли корхонамизнинг йиллик энергия

ишлаб чиқариш қуввати 3 миллиард киловатт соатдан 3,6 миллиард киловатт соатга ортиб, 488 миллион метр куб табиий газ тежалади. “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти томонидан Тахياتош шаҳрида ўтказилган матбуот анжуманида қўйилган 695,3 миллион АҚШ долларининг мажбурий лойиҳанинг аҳамияти хусусида сўз юритилди. Мутахассисларнинг қайд этишича, янги қурилмаларни 2020 йилгача тўлиқ ишга тушириш режалаштирилган.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Илғор технология ва янги имконият

Наманган

Наманган туманида жойлашган масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Aisha home textile” кўшма корхонасида асосий хом ашё — матони бўяш, пардозлаш ва ювиш имконияти юзага келди. Ваҳолонки, ушбу амалиётлар яқин вақтда турдош корхоналар кўмагида бажарилади. Утган йили 7,9 миллиард сўм миқдоридagi инвестиция ҳисобига амалга оширилган техник ва технология янгиликларидан сўнг мажбурий юмушларни шу ерда бажариш йўлга қўйилди. Қолаверса, лойиҳа шарофати билан яна 50 кишининг бандлиги таъминланди, жамоа аъзолари сони 157 нафарга етди. — Модернизациялаш тадбирлари туфайли корхонамизда ишлаб чиқарилаётган мимик сочиқлар сифати янада яхшиланди, — дейди МЧЖ мутасаддиси Икромжон Эргашев. — Ўз навбатида, қувватлар ортиб, тайёрланаётган маҳсулот ҳажми қарийб бир ярим баравар кўпайди. Бинобарин, 1 миллион 335 минг АҚШ долларлик товарларимизни экспорт қилдик. Яқин истиқболда корхонада калава ипни бўяш тармоғи ҳамда яна бир тивувилик цехини ишга тушириш кўзда тутилган.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бинокорлар буюртмаси асосида

Бухоро

Бухоро туманидаги “Лоша қурилиш санат комплекси” масъулияти чекланган жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 30 фоиз кўпайди. — Бунга фаолиятимизни кенгайтириш эвазига эришилди, — дейди профессор таъйёрлашга ихтисослаштирилган мажбурий корхона раҳбари Эркин Норов. — Бизнес лойиҳага мувофиқ, хориждан зарур технологик жиҳозлар сотиб олдик. Шунинг-

дек, хом ашё захираси шакллантирилди. Бунинг учун 400 миллион сўм сарфладик. Замонавий ускуналар мижоз хоҳишига кўра, исталган ҳажм ва рангдаги томпоклар тайёрлаш имконини беради. Маҳсулотларимиз нисбатан арзон ва сифатли. ISO 9001 сифат сертификатига эгамиз. Айни пайтда, асосан, қишлоқларда барпо этилаётган намунавий лойиҳадаги уй-жойлар учун қурилиш маҳсулотлари етказиб бераёلمиз.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сифатини компьютер назорат қилади

Сурхондарё

Термиз шаҳрининг “Паттакесар” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият юритаётган “Сурхон Аброр сервис” масъулияти чекланган жамиятида йилгига 60 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга доир истиқболли лойиҳа амалга оширилди. — Банк кредити ҳисобига хориждан тежамкор, иш унуми юқори технологиялар харид қилдик, — дейди тадбиркор Акбар Холбоев. — Ушбу дастхонларнинг афзаллиги шундаки, улар ёрдамида тайёрланаётган маҳсулотлар масаллигининг меъёрида бўлишини компьютер дастурлари назорат қилади. Бу эса юқори сифат ва самарадорлик омил бўлаётди. Йил бошидан бунён буюртмачиларимиз талаби асосида маҳсулотларимиз турини яна тўрттага кўпайтирдик.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида бўлиб ўтган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари мажлисларида вилоятлар ҳокимларининг ҳисоботлари танқидий-таҳлилий руҳда кўриб чиқилди. Парламент аъзолари, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари иштирокида очик-ошкора ташкил этилган тадбирларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди.

Ижро органлари масъулиятини оширишнинг муҳим омили

Хусусан, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши мажлисида вилоят ҳокими А. Усмоновнинг ҳисоботи батафсил муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, ҳисобот даврида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, sanoatни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришга истиқболли модернизация ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини татбиқ этиш, аҳоли масканларининг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Бу даврда ялпи ҳудудий маҳсулот 6,7 фоиз, жумладан, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10,9, чакана савдо айланмаси 15,2, хизматлар ҳажми 13,4 фоиз ўсди. — Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ислохотларнинг бориши, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қилувчи муҳим дастурларнинг ҳаётга бекам куёт татбиқ этилишида ҳокимият вакиллик органла-

(Давоми 2-бетда).

Фармацевтика фаолиятининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди

Инсон, унинг манфаатини таъминлаш, турмуш фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш мамлакатимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мезони саналади. Хусусан, бу аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ҳам муҳим босқичга айланган.

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мустақилликка эришилганидан сўнг соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, биринчи навбатда, оила, оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш масаласи энг муҳим, устувор вазифа сифатида белгилаб олинганини алоҳида таъкидлади. Жорий йилнинг “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши ҳам бу борадаги ишларни

янги босқичга олиб чиқиши билан аҳамиятлидир. Чунончи, соғлиқни сақлаш тизимидagi саъй-ҳаракатлар тиббий хизмат сифатини тадрижий равишда ошириш, айниқса, аҳолини сифатли, кафолатланган дори воситалари билан таъминлаш, фармацевтика фаолиятини тубдан такомиллаштириш каби қатор вазифаларни ҳал этишда муҳим омил бўлаётди. Яқинда Президентимиз томонидан имзоланиб, матбуотда эълон қилинган янги таҳрирдаги “Дори восита-

лари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам мажбурий саъй-ҳаракатларнинг мантаний давоми бўлиб, дори воситалари ҳамда фармацевтика фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш билан бир қаторда, соҳада ҳаётга татбиқ этилаётган изчил ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилгандир. Муҳимимиз бу ҳақда парламент аъзолари ва экспертлар фикрлари билан қизиқди.

Мавлуда ХЎЖАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси ўринбосари:

— Ҳақиқатан ҳам, бугун соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Жум-

ладан, юртимизда бир ёшга бўлган гўдақлар ва оналар ўлими сезиларли равишда камайди, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етгани, навқирон авлоднинг жисмоний ва интеллектуал салоҳияти юксалгани фикримиз тасдиғи бўла олади. Бунда соҳанинг ҳуқуқий асоси изчиллик билан мустаҳкамланганлиги муҳим омил бўлаётди. Айниқса, фармацевтика sanoatини ривожлантириш, маҳаллий, табиий доривор ўсимликларни кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш ҳамда янги дори воситаларини ишлаб чиқаришнинг самарадор технологиялари яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинаётгани диққатга сазовор.

(Давоми 2-бетда).

Экспорт — тараққиёт кўзгуси

Иқтисодиётимиз ривожига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг алоҳида ўрни бор. Улар мавжуд имконият ҳамда имтиёزلардан унумли фойдаланиб, нафақат барқарор фаолият юритаётди, балки мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг юксалишига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

ТАҲЛИЛ

Бунда ишбилармонларга яратиб берилаётган кенг имконият, имтиёз ва энгилликлар муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди. Дарҳақиқат, бугунги тадбиркорларимиз жаҳон тажрибаларидан боҳабар ҳолда, замонга мос ҳара-

кат қилиш баробарида, ўз маҳсулотларини халқаро стандартлар талаблари асосида тайёрлашга интилоқда. Бу — юртимиз ишбилармонларини дунё танимокда, тан олаётди. “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи остидаги маҳ-

(Давоми 2-бетда).

